

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

УЛУҒМУРОДОВ ЭЛЁР САЙДУЛЛАЕВИЧ

**ЁШЛАР ЭСТЕТИК ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИСЛОМИЙ
ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ**

09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси (Эстетика)

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Улуғмуродов Элёр Сайдуллоевич

Ёшлар эстетик тафаккурини шакллантиришда исломий
кадриятларнинг ўрни3

Улуғмуродов Элёр Сайдуллоевич

Место духовных ценностей ислама в формировании эстетического
мышления молодежи21

Улуғмуродов Элёр Сайдуллоевич

The role of Islamic values in the formation of youth aesthetic thinking .35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works37

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.F.02.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

УЛУҒМУРОДОВ ЭЛЁР САЙДУЛЛАЕВИЧ

**ЁШЛАР ЭСТЕТИК ТАФАККУРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИСЛОМИЙ
ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎРНИ**

09.00.02 – Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси (Эстетика)

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Fal403 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдуллаева Насиба Бўроновна
фалсафа фанлари доктори, доцент

Аллаёрова Мархабо Мавлоновна
фалсафа фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.F.02.02 рақамли Илмий Кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат ___даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.:(0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.)

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.Ш.Негматова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари бўйича
фалсафа доктори (DSc), доцент

Х.А.Джуракулов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
фалсафа фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD), доцент

С.Р.Самадов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий
семинар раиси, фалсафа фанлари бўйича
фалсафа доктори (DSc), доцент

КИРИШ

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ислом динининг мавқеи мустаҳкамланиб, халқаро нуфузи ортгани сари унга қарши ташқи ва ички таҳдид ҳам кучаймоқда. Ташқи муҳолифлар жаҳон афкор оммасини, хусусан ёшларни ислом ақидапарастлиги ва терроризми билан кўрқитишга уринса, ички мутаассиб гуруҳлар маданий тараққиётга қаршилик кўрсатиб, ислом дини обрўсига путур етказмоқда. Шунингдек, глобаллашув жараёни ёшлар тафаккурида оммавий маданият, эгоцентризм, бир жинслилар никоҳи, беҳаёлик, кишиларнинг ўз-ўзидан бегоналашуви каби ижтимоий иллатларни юзага келтирмоқда. Шу сабабли ёшлар эстетик тафаккурини шакллантиришда исломий қадриятларнинг ролини ошириш, улардан самарали фойдаланиш ва муқаддас ислом динининг ахлоқий-эстетик жиҳатларининг креативликка асосланган истиқболли тенденцияларни ишлаб чиқиш ижтимоий тараққиётнинг муҳим шарти бўлиб қолмоқда.

Жаҳон илм-фанида ёшлар эстетик тафаккурини шакллантириш бўйича амалий-фундаментал илмий изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, бугунги глобаллашган жамиятда диний-эстетик қадриятлар тизими, ислом фалсафаси, исломий қадриятлар ва унинг шахс ахлоқий-эстетик тафаккурига таъсири, инсон қалбининг нафосатга интилиши, исломда гўзаллик ва комилликни ифодаланишига оид олиб борилаётган тадқиқотлар илмий-амалий аҳамиятга эга. Зеро, бугунги глобаллашув жараёнларининг интенсивлашуви бутун инсоният олдида муҳим илмий-конструктив аҳамиятга эга бўлган вазифаларни қўймоқда. Шу нуқтаи назардан ёшлар эстетик тафаккурини тарбиялаш тенденцияларининг фундаментал асосларини, уни шакллантириш омиллари, мезонларини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан янгича тадқиқ қилиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан “Жаҳолатга қарши маърифат” шиори билан диний-маърифий соҳага алоҳида эътибор қаратилиб, диний қадриятларимизни тиклаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. “Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муроса қила олмаймиз»¹. Шу нуқтаи назардан, диний қадриятларимиз, айниқса, ислом динидаги гўзал қадриятларни ёшларга чуқур сингдириш, миллатимизнинг умумбашарий ва диний эстетик дунёсини акс эттирадиган персонажларни яратиш орқали ёшларни маънавий жиҳатдан юксалтиришни илмий тадқиқ этишга зарурият мавжудлигидан далолат беради.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкilotи Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи. –Тошкент: «Ўзбекистон овози» газетаси. 2017 йил 21 сентябрь (№117) сони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармони, 2017 йил 18 июлдаги ПҚ-3138-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”, 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида” қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-406-сон “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган вазифаларни бажаришда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Эстетик тафаккурнинг шаклланиш ва ривожланиш муаммолари, эстетик категориялар, диний қадриятлар тизимининг шахс маънавияти, ахлоқий-эстетик маданиятига таъсирини ўрганиш барча даврларда фалсафий тадқиқотларнинг муҳим объекти сифатида файласуфлар, эстетик ва диншунос олимлар, рухшуносларнинг диққатини тортиб келган.

Жамият ва шахс ҳаётида диний қадриятларнинг ўрни, ижтимоий вазифалари, муаммолари тўғрисида Ибн Сино, Форобий, Беруний асарларида қимматли фикр-мулоҳазалар баён этилган.

Хусусан, бу масала бўйича шуғулланган таниқли чет элик олимлар қаторида Н.В.Жданов, Л.Р.Сюкияйнен, Қ.Ёунг, А.Газали, К.Юсуф, Улрих Рудольф¹ кабиларнинг илмий ишларини келтириш мумкин. Таниқли немис олими Улрих Рудольфнинг “Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти” китобида ислом динида Аллоҳни гўзал қиёфаси билан боғлиқ муаммолар фалсафий таҳлил қилинган.

МДХ олимларидан Б.Б.Бартольд, Б.Р.Гильмутдинов², С.Н.Григорян, А.К.Зақуев, М.Т.Степанянц, О.Большаков, С.Прозоров каби олимлар ислом фалсафаси, исломий қадриятлар ва унинг шахс ахлоқий-эстетик тафаккурига таъсирини баъзи жиҳатларини тадқиқ этишган.

¹ Жданов Н.В. Исламская концепция миропорядка. Международно-правовые, экономические и гуманитарные аспекты. – Москва: 1991. – 199 с.; Young Q. The Near East: Society & Culture. – P. 163-164.; Нравственность мусульманина / Шейх Мухаммад Аль-Газали [пер. с араб. Рустамова Айдера Иса-огълы] Киев: Ансар Фаундейшн, 2005; Права человека в исламе: перевод с сокращениями / Мухаммад Аль-Газали. – Москва: Андалус, 2006. – 94 с.; Юсуф К. Дозволенное и запретное в Исламе / Юсуф Кардави // Казань: Индел-Пресс. – 2011. – 46 с.

² Большаков О.Г. История халифата. – Т. 1. Ислам в Аравии (570-633). – Москва: Наука, 1989. – 560 с.; Б.Р.Гильмутдинов Тенденции развития и педагогические условия использования прогрессивной мысли Ислама в современной школе. Казан. 2002.-179с.

Ислом динида сиғиниш объекти, шунингдек, инсон қалбини нафосатга интилиши билан боғлиқ қадриятлар масаласи Абу Ҳомид Ғаззолий асарларида, Хусайин Воиз Кошифий асарларида¹ диний-эстетик қадриятлар тизими кенг ёритилган бўлса, Жалолиддин Румийнинг асарларида тасаввуф фалсафасида гўзалликни ифодаланиши, комил инсон ҳақидаги таълимоти таҳлил қилинган.

Ушбу масалада мустақиллик йилларида етакчи тадқиқотчилар Э. Умаров, Т.Маҳмудов, А.Цой, М. Абдуллаев, А. Шер, А. Қурбонмамедов илмий асарларида эстетик тафаккурни маънавий камолот масалалари билан чамбарчас алоқадорлиги, жамиятда ахлоқий-эстетик тафаккурни ўрни, шунингдек, эстетика мезоний тушунчаларининг эстетик маданият тизимидаги инъикоси ҳамда диний қадриятларининг шахс маънавий камолотидаги аҳамияти каби масалалар тадқиқ этилган. Профессор Қ.Назаров² тадқиқотларида қадриятлар эса тизимининг ижтимоий тараққиёт билан боғлиқлиги шу билан бирга маълум цивилизация даврига хос ҳар қандай қадриятлар тизимининг ўзига хос эволюцияси жараёни таъкидланади.

Тасаввуфшунос олимлардан Н. Комилов, Ф.Сулаймонованинг асарларида эса тасаввуф фалсафасида инсоннинг нафосатга интилишига оид қарашлар таҳлил қилинган³.

Мамлакатимизда мустақилликдан кейинги йилларда ҳимоя қилинган докторлик ва номзодлик диссертацияларида бу масалага оид айрим фикрлар мавжуд. Хусусан, О.М.Ғайбуллаев номзодлик диссертациясида ёшлар эстетик тафаккурини миллий ва умуминсоний, маънавий-ахлоқий ҳамда эстетик қадриятлар асосида шакллантиришнинг ижтимоий-фалсафий масалаларини ўрганди. Шунингдек, З.М.Собирова жамият маънавий ҳаёти янгиланиши жараёнида эстетик омилларнинг мазмуни, ўзига хослиги ва функцияларини илмий-фалсафий таҳлил қилди. Ф.Примова “Оилавий муносабатларни шакллантиришда миллий ва диний қадриятларнинг ўрни” мавзусидаги номзодлик диссертациясида диний қадриятларга катта эътибор қаратган. Тадқиқотчи М.А.Каримова эса ислом динида хотин-қизлар мавқеи, жамият ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-эстетик муносабатларини ўрганди.

Ш.Қаҳҳорованинг тадқиқотларида инсоният тарихининг барча даврларида шахс маънавиятини, ахлоқий-эстетик маданиятини белгилаб келган фан, фалсафа билан бирга дин ва мифологиянинг ҳозирги миллий қадриятларимизни тиклашдаги янгича ёндашув концепциясини илгари сурилган.

Албатта, юқорида номлари зикр этилган олим ва тадқиқотчилар асарларида диний қадриятларнинг эстетик тафаккурга таъсири масаласи махсус тадқиқ этилмаган, янгича ёндашувлар асосида монография ҳолда ҳали

¹ Қаранг: Кошифий Хусайин Воиз. Ахлоқи Муҳсиний. (Яхши хулқлар.) – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат нашриёти, 2010. факсималиеси билан – 664 б.;

² Қаранг: Назаров Қ. Қадриятлар фалсафаси (Аксиология) – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2004. – 196 б

³ Қаранг: Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: “Movarounnahr” – “Ozbekiston”, 2009. – 448 б.; Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 414 б.;

ишланмаган. Ушбу илмий эҳтиёж диссертация мавзуини танлаш учун асос бўлди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат чет тиллар институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбекистон ҳудудларидаги тарихий-маданий анъаналар ва уларнинг замонавий кўринишларини тарғиб этувчи платформа яратиш” (2020-2022) мавзусидаги ПЗ-2020022811 рақамли амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ислом динининг ахлоқий-эстетик жиҳатларини тадқиқ этиш, уларни ёшлар эстетик тафаккурини шакллантиришдаги ролини илмий-методологик, фалсафий таҳлил қилиб, таклиф ва тавсия ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ёшларнинг эстетик тафаккурини камол топтиришда, комил инсон бўлиб вояга етишларида исломий қадриятларнинг муҳим омил эканлигини асослаш;

глобаллашув жараёнида «оммавий маданият» кўринишидаги ғайрияхлоқий таҳдидларга қарши курашда исломий қадриятларнинг ўрнини кўрсатиб бериш,

тараққиётнинг ҳозирги босқичида миллий, исломий қадриятлар уйғунлиги ва ундан фойдаланиш имкониятларини таҳлил қилиш;

ёшлар эстетик тафаккурини юксалтиришнинг ўзига хос жиҳатларини ёритиш ва илмий хулосалар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини ёшлар эстетик тафаккурини шакллантирувчи исломий қадриятлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети исломий қадриятларнинг ёшлар эстетик тафаккурини шаклланишига таъсирини илмий-фалсафий таҳлил этиш билан белгиланади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда илмий билишнинг диалектика, тарихийлик ва мантиқийлик, ворисийлик, анализ, синтез каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат

Гўзаллик тушунчасининг диний ва ижтимоий муҳитда муҳим аҳамият касб этиши, унинг исломий қадриятлар негизидаги ботиний ва зоҳирий гўзаллик, нафс тарбияси, ахлоқий поклик сингари концептуал ғоялар билан уйғунлаша бориб ёшлар руҳий оламини шаклланишида маънавий моделга айланиши аниқланган;

“оммавий маданият”, “ахлоқий деградация” кўринишидаги таҳдидларга қарши курашда исломий қадриятларни ёшларда мустаҳкам позиция ва юксак ахлоқий-эстетик иммунитетни шакллантиришдаги бунёдкорлик моҳияти очиб берилган;

диний ва миллий қадриятлар орқали ёшлар эстетик тафаккурида шаклланган интеграция, ўзаро таъсир натижасида вужудга келган ички яхлитлик ва унинг эволюцион тарзда намоён бўлиши умумийлик, хусусийлик, яқкалик каби фалсафий категориялар орқали илмий далилланган.

ёшлар эстетик тафаккурини шакллантиришда ислом таълимотидаги ахлоқий-эстетик ғоялар эстетиканинг гўзаллик, хунуклик, улуғворлик, тубанлик, фожиавийлик, кулгилилиқ каби атрибутив категориялари орқали асосланган;

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

глобаллашув шароитида комил инсон дунёқарашини шакллантиришда исломий кадрятлардан ўзига хос равишда фойдаланиш йўллари илмий асосланган;

Ўзбекистонда исломий кадрятлар умуминсоний эҳтиёж эканлиги, мақсад ва манфаатлар билан боғлиқлиги, фуқаролик жамияти бунёд этишда исломий кадрятлардан оқилона фойдаланишнинг амалий аҳамияти кўрсатиб берилган;

ёшларни диний ақидапарастлик ва экстремистик ғоялар таъсиридан асраш учун уларга миллий ва исломий кадрятларни сингдириш, ахлоқий-эстетик тафаккурини исломий гўзал кадрятлар билан бойитиш зарурлиги аниқланган;

ёшлар эстетик тафаккурини шакллантиришда исломий кадрятлардан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда илгари сурилган ғоялар ва назарий хулосалар эстетика, этика, фалсафа, миллий ғоя, социология фанлари доирасида амалга ошириладиган тадқиқотлар ва методологик ёндашувларни такомиллаштириш жараёнида фойдаланиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, ишлаб чиқилган тавсиялар ва таклифлардан ўқув-тарбия билан шуғулланувчи муассасалар фаолиятида фойдаланиладиган ўқув қўлланмалар ва дарсликларни тайёрлашда қўллаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ёшларда эстетик тафаккурни шакллантиришда исломий кадрятларни таъсири жараёнларига оид ишлаб чиқилган илмий натижалар асосида:

ислом таълимотида гўзаллик тушунчасининг диний ва ижтимоий муҳитда концептуал аҳамият касб этиши, унинг инсон руҳий оламини шаклланишида маънавий моделига (ботиний ва зоҳирий гўзаллик, нафс тарбияси ва ахлоқий поклик) айланиши ҳақидаги янгиликлар, таклиф ва тавсияларидан “Миллий ғоя тарихи ва назарияси” номли дарсликнинг “Ўзбекистон мустақил демократик тараққиётининг миллий ғоя концепцияси билан боғлиқлиги” деб номланувчи боби ҳамда “Оммавий маданият”нинг миллий ғояга зидлиги, унинг олдини олиш шарт-шароитлари, омиллари” деб

номланувчи бобларини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28 декабрдаги 89-03-5575-сон маълумотномаси). Натижада, “Миллий ғоя тарихи ва назарияси” фани мазмунини такомиллаштириш ва ўқитиш сифатини оширишга хизмат қилган;

“Оммавий маданият”, “ахлоқий деградация” кўринишидаги таҳдидларга қарши курашда исломий қадриятлар ва эстетик идеалнинг шахс иммунитетни шакллантиришдаги самарали таъсирини конструктив (бунёдкорлик, толерантлик) роли бўйича илмий, амалий ва методологик ғоялари, таклиф ва тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ажратилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти “Мураббий” ўқитувчилар асосияси томонидан 2016-2017 йилларда бажарилган “Ўзбекистонни кўп маданиятли санъатига ўқувчи ёшларни жалб қилиш” мавзусидаги 44-07/91-16 рақамли давлат грантида фойдаланилган (Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг 2020 йил 28 декабрдаги 04-05/158-20-сон маълумотномаси). Натижада, маънавий-марифий тарғибот жараёнларида комиллик мезонларини такомиллаштиришда ҳалоллик ва бағрикенглик, меҳнатсеварлик, тадбиркорликка йўналтирилган илмий асосланган чора-тадбирлар ва дастурлар ишлаб чиқишга хизмат қилган.

диний ва миллий қадриятлар орқали ёшлар эстетик тафаккурида шаклланган интеграция, ўзаро таъсир натижасида вужудга келган ички яхлитлик ва унинг эволюцион тарзда намоён бўлиши фалсафий категориялар (умумийлик, хусусийлик, яққалик) орқали илмий асосланишига оид таклиф ва хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси ёшлар ишлари агентлиги Самарқанд вилоят бошқармасининг туман ва шаҳар бўлимларида 2020 йил декабр ойида ташкил этилган “Ёшлар фестивали” деб номланган тадбирлар сценарийсини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ёшлар ишлари агентлигининг 2020 йил 23 декабрдаги 01/4-13-23-980 - сонли маълумотномаси). Бу эса, ўз навбатида мамлакатимиз ёшларининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга, миллий ва исломий қадриятларга ҳурмат ҳиссини шакллантиришга хизмат қилган;

ислом таълимотида ахлоқий-эстетик ғояларни ёшлар тарбиясини ривожлантиришда эстетиканинг атрибутив категория (гўзаллик, хунуклик, улуғворлик, тубанлик, фожиавийлик, кулгилилик) ларининг диалектик алоқодорлиги каби илмий, амалий ва методологик ғоялари, таклиф ва тавсияларидан Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясида 2020 - йил 31 октябрь куни эфирга узатилган “Маънавият сабоқлари” кўрсатувининг навбатдаги сонини сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 03 ноябрдаги 09-01/321-сон маълумотномаси). Натижада, жамиятда ёшларда бағрикенглик, ундаги соғлом маънавий олам юксак ахлоқий маданиятни шакллантириш ва ривожлантиришдаги таклиф ва тавсиялари вилоят телерадиокомпаниясининг маънавий кўрсатувлари самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 5 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитада (2021 йил 09 мартдаги 01-02/1494-сон маълумотномаси) муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та илмий мақола (3 та республика ва 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, олтита параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация матни 132 бетини ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, методлари, фарази, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти билан боғлиқ жиҳатлари ўрганилган ва асослаб берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Ёшлар эстетик тафаккурини ислом дини қадриятлари асосида шакллантиришнинг фалсафий методологик масалалари”** деб номланиб, икки параграфдан иборат. Биринчи параграфда **“Ёшлар эстетик тафаккурини ислом дини қадриятлари асосида шакллантириш зарурияти”** дея номланган. Ушбу параграфда мамлакатимизда ижтимоий-маънавий, диний соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар, халқимизнинг маънавий юксалишига шароит яратиш, хусусан, ислом динидаги гўзал қадриятларни ёшлар онгига чуқур сингдириш орқали уларни инсонпарвар, ватанпарвар, ахлоқий-эстетик жиҳатдан комил инсонлар бўлиб етишишларининг илмий асослари фалсафий таҳлил қилинган. Шунингдек, ёшларни билимли, масъулиятли, сиёсий жиҳатдан идрокли, ахлоқан пок ва маънавий баркамол бўлиб ўсишларида эстетик тафаккур равнақининг аҳамияти кўрсатиб ўтилган.

Глобаллашув даври деб қаралаётган бугунги кунда миллий ва умумбашарий, диний, маданий, эстетик қадриятлар инсоният ҳаётида ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро глобаллашув шароитида ўзларининг ғаразли ниятларини амалга оширишга интилаётган, ўзларининг жирканч муддаоларига **“оммавий маданият”**ни тарғиб қилиш орқали эришишга интилаётган қора кучлар мавжудки, улар ижтимоий онги шаклланиб улгурмаган, ҳаётий тажрибалари етарли бўлмаган ёш авлодга таъсир этишнинг турли воситалари, йўл ва усулларидан фойдаланишга ҳаракат қиладилар.

Бундай таҳдидларга қарши ислом динидаги гўзал қадриятларни ёшлар онгига чуқур синдириш, халқимизнинг бой ва бетакрор эстетик дунёсини акс эттирадиган персонажларни яратиш орқали курашишни замон талаб этмоқдаки, бу ёшларни маънавий жиҳатдан юксалтиришда эстетик тарбияга зарурият мавжудлигидан далолат беради.

Кўриниб турибдики, ёшларни салбий таъсирлар қуршовидан фақат биз илгари сураётган ва ҳозирда ўз исботини топган юксак эстетик тафаккурни шакллантириш масаласига урғу бериш, инсондаги эстетик ҳис-тарбия иммунитетини шакллантирибгина курашиш мумкин.

Диний қадриятлар тизими идеал тарзда намоён бўлади, шунингдек инсон илоҳий қонунларни муқаддас қадрият сифатида қабул қилади. Қуръони каримда “У – Яратувчи, (йўқдан) Бор қилувчи, (барча нарсага) Сурат (ва шакл) берувчи Аллоҳдир”¹ каби мукамаллик ғояси борлиқда 99 та исмида сифатланиши орқали намоён бўлади. Исломга хос муҳим хусусият мукамаллик (идеаллик) ғояси ҳеч қачон тўлалигича битта ҳиссий идрок этиладиган ҳодисада амалга ошиши қийин.

Биринчи бобнинг иккинчи параграфи “Эстетик тафаккур шаклланишида миллий ва диний қадриятларнинг ўйғунлиги эволюцияси” деб номланади. Диний маданият ўзига хос қадриятлар тизимини яратади. Жамиятдаги барча соҳа ва тармоқларнинг ўзаро алоқадорлиги, бир-бирига таъсири ва боғланишлари ҳисобга олинса, диний қадриятлар ва миллий қадриятлар интеграциясининг келиб чиқиши қанчалик қонуниятли бўлган бўлса, шунчалик объектив жараён экани ҳам аён бўлади.

Диссертацияда “Диний ва миллий қадриятлар ” тушунчаси орқали бу икки мустақил ижтимоий соҳа орасида шаклланган ўйғунлик, ўзаро таъсир натижасида вужудга келган ички яхлитлик ва унинг эволюцияси назарда тутилади. Ислом динидаги барча илоҳий қадриятлар, ҳақиқат, адолат, эзгулик, гўзаллик, маърифат, саховат каби инсон маънавийлигини ифодаловчи ижобий ғоялар миллий ва диний қадриятларда ўйғунлашиб кетиши мазкур тушунчанинг мазмунини ташкил этган. Айни пайтда диссертацияда бу жараённинг жуда мураккаб кечиши алоҳида таъкидланади ва унинг эволюцион тарзда намоён бўлиши илмий асосланади. Шунингдек,

Биринчидан, ёшлар эстетик тафаккурини шаклланишида миллий ва диний қадриятларнинг тутган ўрни тадқиқ қилинди. Миллий қадриятлар ўзбек халқининг шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ ҳолда шаклланиб, кундалик ҳаётда, ўзаро муносабатларда синалиб, мустаҳкамланиб авлоддан, авлодга ўтиб келаётган гўзал ахлоқ-одоб намуналарини ўзида намоён этса, диний қадриятлар эса диний тасаввурлар, қарашлар, хусусан жаҳон динлари вужудга келиши билан маънавий маданиятнинг ажралмас қисмига айлана боради.

Иккинчидан, зардуштийлик динидан бошланган ўзбек халқининг диний қадриятлари исломнинг бу ҳудудга киритилишидан бошлаб, мусулмонларни

¹ Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2007. – Б. 548.

эзгу иш, эзгу ният, яхши хулқ-атворга эга бўлишга даъват этди. Исломий қадриятлар бизнинг давримизгача етиб келиб, ҳозирги ҳуқуқий, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини бунёд этишда, кишиларнинг маънавий маданиятини, эстетик тафаккурини шакллантиришда ҳам муҳим ўрин тутмоқда.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Ёшлар эстетик тафаккурини шакллантиришда исломий қадриятларни самарали таъсирининг конструктив роли”**га бағишланган бўлиб, у ҳам икки параграфдан иборат. Бобнинг **“Ёшлар эстетик тафаккурини шакллантиришда исломий қадриятларнинг эстетик хусусиятларини намоён бўлиши”** номли биринчи параграфида мамлакатимиз халқлари ҳаётида диний тасаввурларнинг, диний қадриятларнинг ва исломий байрамларни ҳалқимиз маънавий, ахлоқий-эстетик дунёқарашини шакллантиришдаги аҳамияти баён қилинган.

Исломда энг аввало, дин асослари – «аркон-ад-дин» ҳисобланувчи беш асосий амалий ва маросимчилик рукн талабларини бажаришга эътибор қаратилади. Ҳозир ҳам шундай. Булар, биринчидан, калимаи шаҳодатни билиш; иккинчидан, ҳар куни беш вақт намоз ўқиш; учинчидан, ҳар йили рамазон ойида бир ой рўза тутиш; тўртинчидан, йилига бир марта шахсий молидан закот бериш; бешинчидан, имкон бўлса, умрида бир марта ҳаж қилишдан иборат. Исломга хос маросимлар ва одатлар мана шу беш рукн билан чамбарчас боғлиқдир. Исломнинг бу амалий ва маросимчилик талаблари турли элат ва халқлар турмуш тарзига киритилиб, ўзига хос маънавий маданиятнинг турига, анъанага айланиши натижасида уларни эстетик тафаккури ривожига ҳам катта ҳисса қўшиб келмоқда. Инсон тафаккурида шаклланган бундай диний ғоя ижтимоий характерга эга бўлиб, инсонлар қалбига, руҳиятга кучли таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга келтирган. Бу ҳолат фақат диний мазмун ва ҳаракат билан чекланмасдан, балки ижтимоий ҳаётдаги мақсадларини амалга оширишга, инсоннинг маънавий, эстетик тафаккурини ривожлантиришга ҳам кўмаклашган.

Исломий қадриятларни бажарадиган, ислом дини ва маънавиятига ўзини алоқадор деб ҳисобловчи ҳар бир кишида ислом рукнлари орқали аввало диний ғоя шаклланади, кейинчалик у миллийлик билан уйғунлашади.

Иккинчи бобнинг **“Ёшлар эстетик тафаккурини шакллантиришда ислом таълимотидаги ахлоқий-эстетик ғояларни диалектик алоқодорлиги эстетиканинг атрибутив категориялари орқали ифодаланиши”** деб номланган иккинчи параграфида исломий манбалар, хусусан, Қуръон ва бошқа бир қатор диний китоблар, ҳадислар, Муҳаммад пайғамбарнинг суннатларида эстетик категорияларнинг намоён бўлиши ва уларнинг миллионлаб мусулмон оламининг маънавий маданиятининг асоси бўлиб, ахлоқий, эстетик маданиятнинг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатиши фалсафий таҳлил қилинган.

Қуръон, ҳадислар, шариат қоидалари, ислом ҳуқуқи асосларида олдинга сурилган барча ғоялар заминида руҳий покланиш, гўзаллик, имон, виждон, эътиқод билан боғлиқ бўлган дунёвий муаммолар ўртага қўйилган. Жамият ҳаёти ва шахсий ҳаётдаги барча муаммоларни ҳал этиш учун инсон ўзи руҳан

ва виждонан пок, имонли, ҳалол, эътиқодли бўлиши керак деган ғоя ислом динининг асосини ташкил этади.

Қуръон ва ҳадислар тўпламини ўқиб, ёшлар ўз феъл-атвориға эға бўлиб боради ва эзгу ишларға меҳр ва эҳтиром кўрсатиб, худбин, ғайринсоний ва қаттиққўл феъл-атворли одамларға нисбатан нафрат тўйғуси шаклланади. Натижада болага ёшлигидан Худо энг олий адолатли ҳукмдор эканлиги ва ёвуз ишлар учун "Худонинг жазоси" таъқиб қилиниши мумкинлиги тушунчаси шаклланади.

Дессертацияда ҳадисларнинг ёшлар эстетик тафаккурини шакллантиришда тутган ўрнини алоҳида таҳлил қилинади. Маълумки, ёшларнинг эстетик тафаккурини шакллантиришда ҳадисни ислом динидаги таниқли инсонлар ҳаёти билан боғлаб, уларнинг ички дунёсини тавсифлаб таништириш катта таъсир кўрсатади. Мусулмон оламининг буюк вакиллари масалан, пайғамбаримиз Муҳаммад а.с.х. ҳаёти, унинг олийжаноб хислатлари, ички руҳий дунёси ёшларни эстетик тарбиялаш учун ажойиб мактаб вазифасини ўтайди. Уларнинг олийжаноб фаолиятини ҳақиқий ва ҳиссий жиҳатдан ранг-баранг ёритилиши ёшларнинг маънавий ва эстетик ҳолатға бевосита таъсир қилади. Ҳадисларда камтарлик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, эркаклик ғурури, мардлик ва адолат, ёлғонларға, иккиюзламачиликка, шафқатсизликка қарши ҳикояларини тинглаши жараёнида ёшлар аста-секин меҳнатсеварлик, ростгўйлик, мардлик, ватанпарварлик, эзгулик, камтаринлик буюк инсонларнинг ажралмас фазилатлари эканлигини тушуна бошлайди. Бунинг натижасида эса ёшларнинг дунёқарашида ҳам ушбу ахлоқий, эстетик фазилатлар шаклланиб боради.

Дессертацияда бош эстетик қадриятлар гўзаллик ва хунуклик ислом дини билан боғлиқ тасвирларда ўз ифодасини топади. Ушбу таълимотда эзгу амаллар гўзаллик сифатида, барча ёвузликлар, гуноҳ ишлар хунуклик сифатида тасвирланади. Гўзаллик – исломнинг асосий тушунчаси. Аслида ислом динининг барча масалалари гўзаллик муаммоси билан у ёки бу даражада боғлиқдир. Гўзаллик бу оламининг мағзи, асосий белгиси, бош хоссаси, асосий моҳиятини ташкил этади. Ботиний ва зоҳирий гўзаллик – бу исломнинг асосий эстетик қадрияти бўлиб, уни идрок этиш қобиляти эса ҳар бир мўминнинг асосий вазифасидир.

Қуръоннинг эстетикасини чуқурроқ тушуниш учун унинг геометрик тузилишиға мурожаат қилиш керак. Унда ишлатиладиган сўзлар ва маънолар ўртасида, тенгсиз уйғунлик ва тартиб, семантик боғлиқлик мавжуд. Қуръон ҳикояларида чуқур ҳақиқат ва алоҳида гўзаллик бор.

Ислом таълимотида эстетик категорияларнинг алоҳида қизиқиш уйғотадиган бир қатор жиҳатлари мавжуд, хусусан ушбу таълимотда гўзалликка катта эътибор берилади. Ушбу категорияни аниқлаш учун ислом таълимотиға тегишли бўлган бир қанча атамаларни келтириш мумкин. Масалан, Қуръонда Жамол - чиройли, Ҳусн - чиройли, Комил - мукамал, Соф - поклик, Кабир - буюклик ва бошқалар каби тушунчалар мавжуд.

Учинчи боб “Глобаллашув шароитида ёшлар эстетик тафаккурини шакллантиришда исломий қадриятларнинг ролини ошириш ва улардан самарали фойдаланишнинг долзарблиги” деб аталади. Бобнинг биринчи параграфи “Глобаллашув шароитида ислом дини қадриятлари асосида ёшларни эстетик тафаккурини тарбиялаш масалаларининг аҳамияти” деб номланиб, унда халқимиз, айниқса, ёш авлодни маънавий таҳдидлардан сақлаш, уларда соғлом ахлоқий – эстетик дунёқарашни шакллантириш ва шу асосда оламда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга тўғри муносабатини билдира олиш куникмасини ривожлантириш бўйича тавсиялар, илмий хулосалар берилади.

Шунингдек, диссертацияда ҳозирги глобаллашув жараёнида ёшлар эстетик тафаккурида исломий қадриятлар муҳим омил эканлиги асосланиб, ундан ислом дини кенг тарқалган мамлакатларда қандай мақсадларда фойдаланилаётганлиги, хусусан ислом таълимоти ва қадриятларини чет элдаги сиёсий кучлар, гуруҳлар, экстремистлар томонидан сохталаштириб, мустақилликка эришган мамлакатларда ўз ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланаётганликлари, унинг ёшлар эстетик тафаккурига зарарли таъсири илмий таҳлил этилади.

Кейинги йилларда терроризм ва диний экстремизм ҳолатлари бир-бири билан қовушиб кетди десак адашмаймиз. XX аср охирларида пайдо бўлган «ислом уйғониши», «қайта исломлашиш», «ислом феномени» каби тушунча ва ҳодисаларни қўплаб сиёсатчи олимлар ўзларича тушунтириб беришга ҳаракат қилдилар.

Учинчи бобнинг иккинчи параграфи “Баркамол авлодни тарбиялашда диний қадриятларнинг аҳамияти” деб номланади. Диссертацияда “баркамоллик”, “баркамол инсон”, “баркамол жамият”, “баркамол оила”, “баркамол фарзанд” каби ибораларга алоҳида-алоҳида тавсифлар берилади.

Инсонга нисбатан қўлланиладиган баркамоллик кўз ўнгимизда ҳам маънан, ҳам жисмонан камолотга етган, ўзида етук ахлоқий-эстетик фазилатларни мужассам қилган, замонавий билимлар соҳиби бўлган шахснинг ижобий сифатлари тарзида гавдаланади.

Бугунги кунда мустақил юрт фуқароларининг маънавиятини, озод шахсини шаклланириш масаласи олдимизда турган муҳим вазифага айланди. Шунинг учун, инсон баркамоллиги деган тушунча ҳам янги маъно касб эта бошлади. Шу сабабли миллий истиқлол мафқурасида комил инсон ғояси муҳим ғоялардан бири сифатида эътироф этилётгани бежизга эмас. Чунки, “Комил инсон ғояси нафақат алоҳида шахсларни, балки бутун-бутун халқларни юксак тараққиёт сари етаклаган, уларни маънавий-маърифий соҳада тенгсиз ютуққа илҳомлантирган¹”

Шунингдек, диссертацияда «комил инсон ҳақидаги ахлоқий мезонлар мажмуи, замонавий тилда айтганда, шарқона ахлоқ кодексини юксак аҳамияти бўйича илмий хулосалар берилади.

Бугунги кунда баркамол инсон деганда – ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва билимига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа –ҳодисаларга

¹ Иқтибос миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.-Т Янги аср авлоди 2001 й Б-161

мустақил муносабат билан ёндашадиган, ўз шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган, ўзини жамиятни ажралмас қисми деб ҳис этадиган, замановий ва диний билимларни мукамал эгаллаган, маънавий жиҳатдан юксак, жисмонан бақувват эркин шахс тушунилади.

Хулоса шуки, мусулмон маданиятида комил инсон образи пайғамбарлар, валийлар, авлиёлар, донишмандлар сиймосида бадиий тасвирланган. Илм ҳам Аллоҳнинг маънавияти, инсонга берилган қадриятдир, инсоннинг тафаккури гўзаллиги, ахлоқи, маънавий-руҳий гўзаллиги диний қадрият сифатида тасвирланди. Бугунги дунёдаги глобаллашув жараёнларининг ўзига хос салбий жиҳати шундаки, турли маънавий таҳдидлар гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишда, “оммавий маданият” ниқоби остида кириб келмоқда. Маънавиятга зид бўлган бундай таҳдидлардан, худбинлик, эгоцентризм, ҳасадгўйлик, нигилизм каби иллатлардан ёшларни асраш, энг аввало, зиёлилар, маданият соҳаси вакилларининг зиммасидадир.

Х У Л О С А

Ёшлар эстетик тафаккури шаклланишига диний қадриятларнинг таъсирини фалсафий нуқтаи назардан ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида қуйдаги хулосаларга келинди:

1. Ҳозирги даврдаги маънавий таҳдидлар гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кўринишларга эга бўлиб, хусусан “оммавий маданият” ниқоби остида ахлоқий бузуқлик, индивидуализм, худбинлик, тажовузкорлик, миллатчилик, лоқайдлик, зўровонлик, фанатизм каби шаклларда намоён бўлиб, маънавий қадриятларни менсимасликка олиб келмоқда. Бундай жараёнда инсон қалбига, тафаккурига таъсир ўтказувчи, унинг маънавий эҳтиёжларини тўлдирувчи қадрият бу диний қадриятлардир. Тарихан диний қадриятлар миллий қадриятлар билан уйғунлашиб, авлоддан-авлодга ўтиб, кишилар маънавиятига таъсир ўтказиб келган. Шундай экан, исломий қадриятлардан умуминсоний қадрият сифатида ҳозирги баркамол авлод дунёқараши, маънавиятини шакллантиришда самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ;

2. Миллий ва диний қадриятлар ўзининг тарихий маданий шаклланиш ва ривожланиш илдизига эга. Бу қадриятлар узоқ тарихий, мураккаб ва зиддиятли даврларни босиб ўтиб тобланган ва муайян даврнинг ижтимоий ривожланиш мезонларини белгилашга хизмат қилган. Шахс ахлоқий-эстетик тафаккурини шакллантиришда уларнинг ўзига хос ўрни бўлган;

3. Ёшларнинг баркамоллик сифатларини эгаллашларида ислом дини ва унинг қадриятларида ифодаланган ғояларни бугунги кундаги миллий ғоя талаблари нуқтаи назаридан ёндашган ҳолда, чуқур таҳлил қилиш ва баҳолаш, уларда ифодаланган илғор маънавий-ахлоқий ҳамда дидактик қарашларни ажратиш, таснифлаш ва муайян ўқув фанлари мазмуни ва аудиториядан ташқари бутунлай таълим-тарбия мазмунига сингдириш йўлларини кўрсатиш алоҳида дидактик аҳамиятга эга.

4. Исломий кадриятларни вужудга келиши жамият аъзолари маънавиятини, бадий-эстетик тафаккурини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда акс этган педагогик ғоялар бугунги кунда ҳам умуминсоний ва миллий хусусиятларга эга бўлган таълим-тарбия жараёни мазмунининг негизини ташкил этади.

5. Кўпгина ёшлар исломий кадриятларни, динни юзаки қабул қилишга мойил. Улар мазкур воқеликлар негизидаги маънавий, ахлоқий-эстетик мақсадни илғаб олмай ва етарли кадрламай, дин шахсга муайян ижтимоий-ахлоқий талаблар қўйишини тўла идрок этмай, ўзини художўй қилиб кўрсатиш билан чекланадилар. Бу ҳол диний-ахлоқий тарбияни рационал асосга, ижтимоий талабларга қуриш зарурлигини кўрсатади. Энди динни, илоҳийликни позитив воқелик сифатида қайд этиш, тан олиш етарли эмас, уларни шахснинг маънавий шаклланишига хизмат қиладиган кадриятларга айлантириш лозим.

6. Мустақилликка эришишимиз туфайли жамият ва шахс маънавий маданиятини, ахлоқий-эстетик тафаккурини ривожлантиришда исломий кадриятлардан оқилона фойдаланишга кенг имконият яратилди. Бундай имкониятлардан бугунги кунда фойдаланиш ва бу имкониятлар давлат, халқ, миллат манфаатлари учун йўналтирилиши муҳим аҳамият касб этади. Шахс маънавий маданиятини шакллантиришда миллий ва исломий кадриятларнинг ўрни, жамият тараққиёти талабларига мос тушуши хусусан, мамлакатимизда фуқаролик жамияти қуриш тамойилларига жавоб бериши зарур.

7. Ўзбекистонда ёшлар эстетик тафаккури шаклланишининг динамикаси алоҳида ва чуқур илмий тадқиқ этилмаган. Шу боис ёшларнинг эстетик тафаккури шаклланишида инсонийлик ва илоҳийлик қай тарзда кечиши, бу борада нималар қилиш зарурлиги, қандай ижтимоий-педагогик механизмлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги муаммоси янги-янги тадқиқотлар ўтказишни тақозо этади.

Тадқиқотда юқоридаги хулосалардан келиб чиқиб қуйидаги тавсиялар берилди:

1. Исломий кадриятларнинг мазмунини ўзгартиб ўз ғаразли ниятлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилаётган норасмий диний уюшма ва ҳаракатларнинг моҳиятини, зарарли ижтимоий оқибатларини илмий асослаб бориш лозим.

2. Касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юртларида иқтисодий ва ижтимоий гуманитар фанлардан таълим бериш жараёнида миллий ва исломий кадриятларнинг эстетик тафаккурни шакллантиришдаги аҳамиятига эътибор бериш фойдадан холи бўлмайди.

3. Ҳадисларни таҳлил этиш юзасидан олиб борилган педагогик тадқиқотлар, тажрибаларнинг ролини ошириш, ҳадислар ёрдамида тарбиялаш жараёнининг ижобий томонларини тавсифлаш, ҳадисларда мавжуд булган инсонпарварлик тарбияси сифатларини аниқлаш ва ўрганиш, ёшларда маданий дунёкарашни шакллантиришда ҳадислар педагогик восита эканлигига таълимнинг барча буғинларида катта эътибор қаратиш, махсус ўқув - методик қўлланмалар яратиш лозим.

4. Ёшларни юксак ахлоқий тарбиялаш, уларни интеллектуал салоҳияти ва ижтимоий фаоллигини янада оширишда ота-оналарнинг педагогик маданиятини юксалтириш, фарзанд тарбияси борасидаги бурч ва масъулиятини ошириш, мустаҳкам мафкуравий иммунитетга эга ёшларни тарбиялаш, нотинч оилалар фарзандлари, иш билан банд бўлмаган, “оммавий маданият” таъсирига тушиб қолган йигит-қизларнинг хатти-ҳаракатларини назоратга олиш ва яна бошқа иллатлар профилактикасига оид тадбирларни мунтазам ташкил қилиш.

5. Республика ОАВ орқали, шунингдек, бугунги ахборот коммуникация технологияларининг имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда, исломий маърифат бўйича «Веб сайт»лар очиб, улар орқали турли тилларда Ўзбекистон ёшлари онгида диний маърифат масалаларини чуқур ўрганишни акс эттирадиган маълумотларни мунтазам бериб бориш

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.F.02.02
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ
ИНОСТРАННЫХ ЯЗЫКОВ**

УЛУҒМУРОДОВ ЭЛЁР САЙДУЛЛОЕВИЧ

**РОЛЬ ИСЛАМСКИХ ЦЕННОСТЕЙ В ФОРМИРОВАНИИ
МОЛОДЕЖНОГО ЭСТЕТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ**

09.00.02 - Философия форм сознания, культуры и практики (Эстетика)

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА
ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2021

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2019.2.PhD/Fa403.

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном институте иностранных языков.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме) на веб-странице (www.samdu.uz), по адресу (www.ziynet.uz) информационно-образовательного портала “ZiyoNet”.

Научный руководитель: **Гайбуллаев Отабек Мухаммадиевич**
доктор философских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Абдуллаева Насиба Буруновна**
доктор философских наук, доцент

Аллаёрова Мархабо Мавлоновна
доктор философских наук, доцент

Ведущая организация: **Каршинский государственный университет**

Защита диссертации состоится “_____” _____ 2021 года в _____ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.F.02.02 при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, дом 15. Тел: (8366) 235-19-38, 239-64-90; факс: (8366) 231-15-86, (8366) 235-27-24; e-mail: rektor@samdu.uz Здание факультет истории при Самаркандский государственный университет, 1-этаж, 105-аудитория).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована за №____). (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский бульвар, 15. Тел: (8366) 235-19-38, 235-64-90; факс: (0366) 239-11-40.)

Автореферат диссертации разослан «____» _____ 2021 года
(протокол реестра №____ от «____» _____ 2021 года).

Ш.Ш.Негматова

Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор философских наук, доцент

Х.А.Джуракулов

Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор философии (PhD) по филос. н

А.Р.Самадов

Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней,
доктор философских наук, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. Укрепление позиций ислама в мире и роста его престижа в международной арене сегодня возрастает против него внешние и внутренние угрозы. В то же время внешние противники пытаются запугивать мировое сообщество, особенно молодежи с мнением исламским фанатизмом и терроризмом, внутренние фанатичные группы выступая против культурного развития снижает репутации ислама. Кроме того, процесс глобализации порождает в сознании молодежи социальные пороки, такие как массовая культура, эгоцентризм, однополые браки, непристойность и самоотчуждение. Поэтому в формировании эстетического мышления у молодежи остается как важным фактором повышение роли и эффективное использование исламских ценностей, а также в социальное развитие разрабатывать на основе креативность перспективное тенденции нравственные и эстетические аспекты священной религии ислама.

В мировой науке по формированию эстетического мышления молодежи ведутся практические и фундаментально-научные исследования. В частности, по направлению системы религиозных и эстетических ценностей, исламской философии, исламских ценностей и ее влияния на моральное и эстетическое мышление человека, стремление к элегантности, выражение совершенства и красоты в исламе ведутся современное исследование, и они имеют научное и практическое значение в современном глобализированном обществе. Действительно, активизация процессов глобализации сегодня ставит важные научные и конструктивные задачи для человечества. В связи с этим возникает необходимость в новом социально-философском исследовании фундаментальных основ развития эстетического мышления молодежи и его факторов, формирующих тенденций и критериев.

С первых лет независимости в нашей стране особое внимание уделялось религиозно-просветительской сфере под лозунгом «Просвещение против невежества» и восстановление религиозных ценностей стало одним из приоритетов государственной политики. «Мы дорожим нашей священной религией как выражением наших вечных ценностей. Мы решительно осуждаем тех, кто приравнивает нашу священную религию к насилию и кровопролитию, и мы никогда не сможем с ними смириться»¹. В связи с этим, глубокое усвоение в молодежи наши религиозные ценности и особенно прекрасных ценностей ислама, а также духовного развития молодежи через создание персонажей, отражающих общечеловеческий и религиозно эстетический мир нашей нация указывает на необходимость научных исследований.

Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан» и от 18 июля 2017 года «О повышении эффективности государственной молодежной

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи. –Тошкент: «Ўзбекистон овози» газетаси. 2017 йил 21 сентябрь (№117) сони.

политики и поддержке Союза молодежи Узбекистана» ЗП-3138, Закон Республики Узбекистан № ЗРУ-406 от 14 сентября 2016 г. «О государственной молодежной политике» и ЗП-3160 от 28 июля 2017 г. «О повышении эффективности духовно-воспитательной работы и выводе отрасли на новый уровень» данная диссертация в определенной степени служит для реализации задач, поставленных в решениях и других нормативных правовых актах по данной теме.

